



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Фарход Абдувалиевич Адиллов ОЗАРБАЙЖОННИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ (1966 ЙИЛ ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ МИСОЛИДА).....	4
2. Камолахон Юсуповна Абдуразакова “ДАВЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАР” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	10
3. Отабек Аманиллаевич Бахриев ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ИСЛОМ ҚОНУНШУНОСЛИГИДАГИ МАВҚЕИ.....	15
4. Жонибек Бўтаев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИ.....	22
5. Рахмон Ибрагимов ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ДАВР ТАРИХИНИНГ ДАВРЛАШТИРИЛИШИ ВА ХРОНОЛОГИЯСИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	30
6. Чинпўлат Минасидинович Курбанов XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ВОЈХОНА ИШИ HAҚИДА.....	38
7. Юлдузхон Имомова ҚОРАБОҒ МОЖАРОСИГА ЛОББИЗМНИНГ ТАЪСИРИ.....	48
8. Музаффаржон Шарифжон ўғли Мансуров СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЙИЛЛАРИДА “ИНТУРИСТ” ТАШКИЛОТИНИНГ ФАРҒОНА ТУРИСТИК МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМ РИВОЖИДАГИ РОЛИ.....	53
9. Тимур Туляганович Раишев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ТУРКЕСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ ҚЎШИНЛАРИ: МОДДИЙ ТАЪМИНОТ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	59
10. Нодира Набиевна Сафиходжаева ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	67
11. Азизбек Гўзалович Холлиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШИДА РОССИЯ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	75
12. Фуркат Эшбоевич Тошбоев, Дилшод Рашидович Холмуродов ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ АРХЕОЛОГЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН.....	82

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Фуркат Эшбоевич Тошбоев,
Жиззах давлат педагогика институти доценти
Дилшод Рашидович Холмуродов,
Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ АРХЕОЛОГЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН

For citation: Furkat E.Toshboev, Dilshod R.Kholmurodov, HISTORY OF COOPERATION OF ARCHEOLOGISTS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THE RUSSIAN FEDERATION. Look to the past. 2020, vol. 12, issue 3, pp.82-88

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12-12>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон худудидаги археологик ёдгорликларнинг рус зиёлилари томонидан ўрганилиш тарихи илмий таҳлил этилган. Олиб борилган археологик тадқиқотларни икки йўналишда кўриш мумкин. Биринчи йўналишда, деҳқончилик микроҳоаларидаги манзилгоҳлар – кўналға (поселения)лар, кишлоқ макон (мустаҳкамланган жамоа манзилгоҳ)лари, карвонсаройлар, мудофаа иншоотлари, қалъа ва шаҳарларни ўрганиш. Иккинчи йўналишда эса чорвадорлар маданиятига оид мазоркўрғонларни ўрганиш.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, археология, ёдгорликлар, тадқиқот, рус олимлари, мудофаа иншоотлари, қалъа, шаҳарлар, деҳқончилик, чорвачилик.

Фуркат Эшбоевич Тошбоев,
Доцент Джизакского государственного
педагогического института
Дильшод Рашидович Холмуродов,
Преподаватель Джизакского государственного
педагогического института

ИСТОРИЯ СОТРУДНИЧЕСТВА АРХЕОЛОГОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ

АННОТАЦИЯ

В статье дается научный анализ истории изучения русской интеллигенцией археологических памятников Узбекистана. Археологические раскопки можно рассматривать в двух направлениях. По первому направлению изучение поселений в сельскохозяйственных микрорайонах - поселков, поселений (укрепленных общинных поселений), караван-сараяв, оборонительных сооружений, замков и городов. Второе направление - изучение кладбищ, связанных с культурой животноводов.

Ключевые слова: Узбекистан, археология, памятники, исследования, российские ученые, оборонные сооружения, замки, города, сельское хозяйство, животноводство.

Furkat E.Toshboev,

Associate Professor of Jizzakh State Pedagogical Institute

Dilshod R.Kholmurodov,

Lecturer at Jizzakh State Pedagogical Institute

HISTORY OF COOPERATION OF ARCHEOLOGISTS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THE RUSSIAN FEDERATION

ABSTRACT

The article provides a scientific analysis of the history of the study of archaeological monuments of Uzbekistan by the Russian intelligentsia. Archaeological excavations can be viewed in two ways. In the first direction, the study of settlements in agricultural micro-districts - settlements, settlements (fortified communal settlements), caravanserais, defensive structures, castles and cities. The second direction is the study of cemeteries associated with the culture of livestock breeders.

Index Terms: Uzbekistan, archeology, monuments, research, Russian scientists, defense structures, castles, cities, agriculture, animal husbandry.

1. Долзарблиги:

Археология фани дунё микёсида катта тарихий ахамиятга эга бўлиб, ўз шаклланиши ва тараққиётининг узоқ йўлини босиб ўтган ижтимоий гуманитар фан тармоқларидан биридир. Маълумки, Ўзбекистон ҳудуди қадимдан жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири ҳисобланади. Бу ҳудуд тарихимизнинг турли даврларига тегишли бой маданий археологик ёдгорликларга маскан ҳисобланади. Ўрта Осиёдаги археологик ёдгорликларни ўрганиш Россия империяси босқинидан сўнг, XIX асрнинг иккинчи ярмидан рус олимларининг ташаббуси билан ўрганила бошланган. Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврларини тадқиқ этишда археология фани алоҳида аҳамият касб этади.

2. Методлар:

Масала тарихини ўрганиш ва тизимлаштириш, таққослаш, тарихий маълумотларни умумлаштириш, илмий қарашлар ва концепцияларнинг қиёсий таҳлили, ҳолислик тамойиллари каби усуллардан фойдаланилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўрта Осиё ҳудудида жойлашган ёдгорликларни ўрганиш машҳур шарқшунос Н.И. Веселовский томонидан 1884 йилда Фарғона водийсидаги ўтроқ аҳоли маданиятига мансуб ёдгорликлар ва дашт ҳудудларида жойлашган қурум ва муғхоналар ҳамда Ўзганнынг шарқий томонида жойлашган мозорқўрғонларни очиб ўрганишдан бошланган [1]. 1886 йил В.М. Флоринский томонидан Еттисув яқинида эрамиз бошларига оид мозорқўрғонлар очилган. 1887 йил Н.П. Остроумов инқилобгача бўлган даврда биринчи бўлиб, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда қазув ишларини ташкил этган. Бу қазув ишлари Тошкент атрофларида фаол бошланиб кейинчалик, Сирдарё, Самарқанд ва бошқа вилоятларда ҳам ташкил этилган [2].

1895 йилда Туркистон ҳаваскорларининг археологик тўғараги (ТХАТ) ташкил топгач, Ўрта Осиё халқларининг қадимги тарихи ва маданиятини уюшган ҳолда тадқиқ этиш имконияти пайдо бўлди. Туркистон халқларининг ўтмиш тарихи ва маданиятини фаол тарзда ўрганишга киришган рус мутахассислари, ушбу тадқиқотларни муваффақиятли амалга ошириш учун маҳаллий аҳолининг пешқадам зиёлилари, илғор фикрловчи уламолари билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганлар.

Маҳаллий аҳоли орасидан чиққан шундай зиёлилардан бири тошкентлик савдогар Акрам Асқаров эди. Унинг қадимги танга ва бошқа ашёлардан иборат катта коллекцияси бўлиб, уларни йиғишда ҳам катта тажрибага эга бўлган. Аксарият ҳолларда тангадаги

ёзувларни ўқий олган. А.Аскарлов ўзининг қадимги ашёлар коллекцияси билан нафақат маҳаллий аҳоли орасида балки, рус шарқшуносларига ҳам таниш эди. Шунинг учун Н.И.Веселовский таклифи билан Туркистонда ўтказилган қазув-қидирув тадқиқотларида бир неча бор қатнашган. Ушбу коллекционер томонидан халқимиз моддий маданияти билан боғлиқ қимматбаҳо танга ва бошқа буюмлар рус тадқиқотчиларига бериб юборилган. Бу хизматлари учун Акрам Аскарлов Россия археологик комиссияси томонидан “Археология ривожига ҳисса қўшгани учун” кичик кумуш медал билан мукофотланган. Ў ўзининг вафоти арафасида (1871) кўп йиллар мобайнида тўплаган коллекциясини давлат (Туркистон генерал губернатори маҳкамаси)га топширган. Улар ҳозир Россия Федерациясининг Эрмитаж музейида сақланмоқда[3].

Яна бир ўлкашунос, самарқандлик Абу Саид Махсум ўз даврининг ўқимишли, билимдон кишиси, ҳаттотлик санъатини пухта эгаллаган зиёлиларидан бири бўлган. У киши ўрта асрларга оид араб ва форс манбаларни эркин ўқиб, ўзбек (туркий) тилига таржима қила олган. Рус зиёлилари ва археологлари унинг бу илмий салоҳиятидан Ўрта Осиёдаги тадқиқотлари учун унумли фойдалана олганлар. Манбаларни қиёсий ўрганган Абу Саид Махсум рус олими В.Л.Вяткинга Улуғбек расадхонаси жойлашган жойни аниқ кўрсатиб бера олган. 1909 йил Ўрта Осиёни ўрганиш комитети уни расадхона очилишига қўшган муносиб хиссаси учун 100 рубль пул мукофоти билан тақдирлайди.

XIX аср охири XX аср бошларида маҳаллий аҳоли орасидан чиққан зиёли, илмга қизиқувчи, ўз даврининг билимдонларига таяниб тадқиқот олиб борган рус шарқшунос, археологлари юртимиз тарихига оид ноёб маълумотларни кўлга киритадилар. Рус олимларининг маҳаллий зиёлилар билан ҳамкорликдаги қидирув ишлари ва археологик қазувлари Ўзбекистон археологларининг Россиялик олимлар билан илмий ҳамкорлик алоқаларининг бошланиши эди. Ҳамкорликнинг дастлабки пайтларида кўплаб моддий ва ёзма манбалар кўлга киритилган бўлиб, улар ҳозирги кунда Россия федерациясининг Давлат Эрмитажида, Этнография, Антропология ва Этнология, Санъатшунослик, Халқ амалий санъати Давлат музейларида сақланмоқда[4]. Улар орасида Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидан топилган жуда кўплаб археологик ашёлар ва коллекциялар бор.

Россия империяси томонидан 1917 йил октябрь тўнтаришигача Ўрта Осиёдаги тарихий ёдгорликларни ўрганиш учун биронта махсус илмий археологик экспедиция юборилмаган. Қазув ишлари давлат томонидан ташкил этилмаган ва бу тадқиқотлар ўз номига мос бўлган россиялик Туркистон хаваскорлар (ТХАТ) томонидан ўтказилган. Бу тўғарак аъзолари томонидан олиб борилган изланишлар эса асосан эсдаликлар шаклида бўлиб, улар асосан мавжуд ёдгорликларни ёзиб олиш ва қайд этиш билан чекланган[5]. ТХАТ нинг қазув тадқиқотлари асосан, Чоч, Сўғд ва Фарғона водийси воҳаларидаги ёдгорликлар билан боғлиқ эди. Шундай бўлсада, ушбу тўғарак аъзоларининг Ўрта Осиё ҳудудидаги тарихий ёдгорликларни рўйхатга олиш ва дастлабки қазув ишлари Ўзбекистон археологиясининг кейинги ривожига катта аҳамият касб этди.

Ўзбекистон ҳудудидаги ёдгорликларнинг рус зиёлилари томонидан ўрганилиш тарихини икки йўналишда кўриш мумкин. Биринчи йўналишда, деҳқончилик микровоҳаларидаги манзилгоҳлар – кўналға (поселения)лар, қишлоқ макон (мустаҳкамланган жамоа манзилгоҳ)лари, карвонсаройлар, мудрофаа иншоатлари, қаъла ва шаҳарларни ўрганиш. Иккинчи йўналишда эса чорвадорлар маданиятига оид мазорқўрғонларни ўрганиш.

Туркистон ўлкасида большевиклар ҳокимияти ўрнатилганидан кейин қадимги ёдгорликлар, санъат ва маданий меъросни ўрганиш ва муҳофаза қилиш мақсадида Турккомстарис ташкил этилди. Дастлабки пайтларда ушбу ташкилот 1917 йилги инқилобгача фаолият юритган ТХАТ олимлари ва ўлкашуносларига таяниб иш олиб борди. Давр талаби билан инқилобдан кейин унинг иш фаолиятида ўзгариш ясалди ва тарихий ёдгорликлар, санъат ва маданий ёдгорликларни асраш ва ўрганишни давлат ўз хомийлигига олишга ҳаракат қилди. Энди санъат ва маданият ёдгорликларини асрашни Туркистон АССР ўз зиммасига олди ва шунга оид қарор ва фармойишлар чиқарилди.

1918-1920 йилларда бундай ташкилотлар маҳаллий ва ҳарбий муассасалар ёки илмий ходимлар ва ўлкашунослар ташаббуси билан ташкил этилди. 1918 йил кузида собиқ ТҲАТнинг аъзолари В.Л.Вяткин, Б.Н. Кастальский вилоят архитектори М.Ф. Мауер билан биргаликда XV асрда қурилган Улуғбек мадрасасининг минора қисмини қулаш арафасига бориб қолганлиги, ташқи деворнинг эса қаттиқ емирилганлигини таъкидлаб, уни тиклаш ва таъмирлаш ташаббуси билан чиқадилар. 1919 йил Самарқанд вилоят халқ комиссарлари совети ушбу таклифни қўллаб, ёдгорликни сақлаш ва асраб қолиш учун рассом А.К. Татезосян бошчилигида гуруҳ ташкил этади. Бу комиссия Ўрта Осиёда 1918- 20 йилларда кечган кучли сиёсий ва иқтисодий инқирозларга қарамай, ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва ўрганиш борасида муваффақиятли фаолият олиб боради. Бироқ, маҳаллий ҳокимият органлари жамғармасида маблағ кам бўлганлигидан, унинг фаолиятини ташкил этиш борасида лоқайд бўлдилар.

XX асрнинг 20- йилларида ушбу ташкилот томонидан бир қанча ёдгорликларни таъмирлаш ишлари ўтказилган. 20- йиллари охири айниқса, 1928 йил Средазкомстарис ташаббуси билан Ўрта Осиёнинг кўплаб жойларида қишлоқ маконлари, шаҳар маданиятига оид ёдгорликлар, карвонсаройлар ва чорвадорлар маданиятига оид мозорқўрғонларни режали асосда очиб ўрганиш ҳам бошлаб юборилади. Узкомстарис ташаббуси билан 1928 йил М.Е.Массон Оҳангарон ва Тўйтепада, М.В. Веоводский бошчилигида 1929 йил Пскентда, Б.А. Латынин томонидан 1934 йил Исфарада, В.Л.Вяткин 1925-30 йилларда Афросиёб шаҳар ёдгорлигида, М.Е. Массон раҳбарлигида 1935-38 йилларда Чирчиқ дарёси бўйларида ва қадимий Термизда, Ю.Якубовский 1934-1939 йиллар Зарафшон водийсида, В.А.Шишкин 1936-1938 йилларда Бухоро ва Самарқандда С.П.Толстов ва Я.Ф.Ғуломовлар 1937-1950 йилларда кўҳна Хоразм воҳасида, А.П.Окладников 1938-1939 йиллар Тешиктош ва Мачай ғорларида[6], Г.В.Григорьев ва М.Э. Воронецлар томонидан 1937-38 йилларда Жун ариғи бўйлари ва Қовунчитепага яқин ҳудудларда кўплаб археологик ёдгорликлар очиб ўрганилган[7].

Бу пайтда, нафақат Ўзбекистон халқлари балки, қўшни республикалар маданияти тарихига ҳам дахлдор бўлган улкан тадқиқотлар бошланди. Бу Тошкент воҳасида “Қовунчи маданияти” га оид ёдгорликларнинг комплекс ҳолда ўрганилиши даврининг бошланиши билан белгиланади. XX аср 30- йилларидан бошлаб Қовунчи маданиятига оид ёдгорликлар Тошкент воҳаси (Чирчиқ, Оҳангарон водийси)да М.Е. Массон, М.Э. Воронец, Г.В.Григорьев, А.И.Тереножкин, Т.Г. Обольдуева, Б.А. Литвинский, Х. Дуке, Ю.Ф. Буряков, М.И. Филанович, Л.М. Левина ва бошқа археологлар томонидан мақсадли равишда илмий ўрганилган. Тинимсиз изланишлар натижасида, Қовунчи маданиятига мансуб шаҳар харобалари – қадимги шаҳар маданиятининг йирик пунктлари, қаср типигаги унча йирик бўлмаган истехкомлар, турар жойлар, мудофаа деворлари ва мозорқўрғонлар ўрганилиб, Қовунчи маданиятининг пайдо бўлиши илдизлари минтақа халқлари маданияти ва этник шаклланишидаги ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида яхлит илмий маълумотлар тўпланган.

XX асрнинг 30- йилларига келиб ўтроқ деҳқончилик воҳаларидаги ёдгорликлар шу билан биргаликда, тоғ ёнбағирлари ва унга туташ дашт ва чўллик ҳудудларда даврлар мобайнида усти емирилиб ярим доира шаклида тупроқ ёки тошдан кўтарилган ва айна пайтгача сақланиб қолган кўплаб мозорқўрғонлар борлиги маълум бўлди. Тошкент воҳасида шаҳар маданиятига мансуб ёдгорликлар билан биргаликда кўчманчилар маданиятига оид Тўй-тепа, Шоштепа, Янги йўл, Қовунчитепа, Вревский, Туябўғуз, Қавардан, Оҳангарон, Ачамойли каби мозорқўрғонлардан қадим тарихимиз ва унда кўчманчиларнинг тутган ўрни бўйича кўплаб янгиликлар кашф қилинган. Бу мозорқўрғонлар мил. авв. III-II асрлардан то милодий VIII асрларигача бўлган даврларга оид эканлиги аниқланиб, кўплаб ноёб ашёвий манбалар муомалага киритилган.

Шу ўринда, Ўрта Осиё хусусан Ўзбекистон археологиясини ўрганишда, уни тараққий эттиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, таниқли Хоразмшунос олим, профессор С.П.Толстовнинг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. С. П. Толстлв биринчи мартаба

у 1929 йилда илк бор Хоразмга келган эди. С.Толстовнинг Хоразмга қизиқишига сабаб, биринчидан у талабалик давридаёқ Волга бўйи халқлари этнографияси билан шуғулланган, бу халқларнинг моддий ва маънавий маданиятларини ўрганиш жараёнида, бу маданиятнинг талайгина жиҳатлари қадимги замонларда унинг Ўрта Осиё билан алоқалари бўлганлигидан далолат берарди.

С.П.Толстовнинг археологик ишларда ўрганилган айрим маълумотларга тўхталиб ўтсак. Хоразм археология-этнография экспедицияси - Хоразм воҳаси археологик маданияти ва тарихини (палеолит давридан мил. 18—19 асрларгача) текшириш мақсадида уюштирилган экспедиция (1937). Хоразмни археологик ва этнографик жиҳатдан ўрганиш 1928-29 й.ларда бошланган. А. Ю. Якубовский бошчилигидаги экспедиция хоразмшоҳлар пойтахти - Урганч(хоз. Кўхна Урганч) даги меъморий ёдгорликларни ва илк ўрта аср шаҳри Миздахқон (Хўжайли яқинидаги Гавр қалъа)да қозишма ишлари олиб борган. 1934 йил Тошхўвуддаги Замахшар шаҳар харобасида М. В. Воеводский экспедицияси фаолият юргизган. Экспедиция таркиби йилдан йилга археолог, этнограф, антрополог, рассом, меъмор ва бошқа мутахассислар билан кенгайтирилган. Натижада Хоразм қадимдан Волга– Дон ҳавзаларидаги скифлар, қуйи Сирдарё атрофидаги саклар, Жанубий Туркманистон ва Бухоро воҳаси халқлари билан тарихий маданий алоқада бўлганлиги илмий жиҳатдан асосланди. Экспедиция материаллари асосида муҳим монографиялар, илмий мақолалар, тарихий очерклар ёзилган. Илмий ҳисоботлар “Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции” номи билан нашр қилинади. Хоразм археология-этнография экспедицияси фаолияти туфайли биринчи марта 1956 йил Хоразмнинг археология харитаси тузилган[8].

С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси 1937-1940 йилларда Қорақалпоғистон Республикасидаги Амиробод канали бўйлаб қазув тадқиқотларини ўтказган. Олиб борилган изланишлар натижасида, Амиробод маданиятининг қадимги Хоразмнинг милоддан аввалги 9-8 асрларга яъни сўнгги бронза даври манзилгоҳи эканлиги ва унинг Сувёрган ва Тозабогёб маданияти уйғунлашуви асосида шаклланганлиги исботланган. Шунингдек, бронза буюмларнинг кўплаб топилиши ўша даврда металл қуйиш техникасининг ривожланганлигини, халқ хўжалигидан тош қуролларнинг меҳнат қуроллари сифатида сиқиб чиқарилганлигини кўрсатади. Амиробод маданиятининг ноёб ёдгорликлари Якка Парсон 2 ва Қубод 2 ёдгорликларидан сиртига турли шакллар чизилган сопол идишлар, маржон, чиғаноқ шодалари, жездан ясалган тақинчоқлар, бигизлар, ўроқ ҳамда ўқ учлари ва уларнинг қолиплари топилиши бу ерда яшаган аҳолининг хунармандчилик борасида ҳам моҳир бўлганлигини исботлаган[9].

С.П.Толстов раҳбарлигида Хоразм археология-этнография экспедицияси 1938-1939 йилларда Қорақалпоғистоннинг Тўртқўл туманидаги Султон Увайс тоғи жанубий-шарқида жойлашган (мил. авв. IV аср-милодий II аср) Жонбос қалъа, Ёнбош қалъа - қадимги қалъа харобалари ўрганилди.

Тупроқ қалъа - қадимги шаҳар-қалъа харобаси милодий III-IV асрлардаги хоразмшоҳлар қароргоҳи. Ҳозирги Беруний шаҳри атрофидаги ҳудудда жойлашган.

Ўзбекистонда Темир даврида оид ёдгорликларни саналаштириш ва дастлабки туркумларга ажратилишига доир тадқиқотлар С.П. Толстов, А.И. Тереножкин ва Я. Ғуломовлар томонидан амалга оширилган. Ўзбекистон ҳудудида Темир даври ёдгорликлари мил. авв. VIII-VI асрларга мансуб. Улар Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Тошкент вилоятларида ва Фарғона водийсида ўрганилган; Кўзалиқир, Қалъалиқир ва Дингилжа сингари қадимги қалъа ва қишлоқ, шаҳар харобалари, Тагискен ва Уйгарак қабристон-қўрғонлари, Бўкантов қоятош сураглари текширилган. Темир даврида қадимги Хоразм ҳудудларида дастлабки йирик суғориш иншоотлари вужудга келган [10].

1938-1950 йилларда Хоразм археология-этнография экспедицияси томонидан ўрганилган. Тупроққалъанинг маданий қатламидан, милод бошларидан VI асргача бўлган даврга оид ашёвий материаллар чиққан. Тупроққалъада 100 га яқин турар жой, хўжалик бинолари ва 8 та сарой хоналари қазилган.

XX арнинг 30-50 йилларида Россия археологларининг маҳаллий кадрлар тайёрлаш борасидаги фаолияти ҳам сермахсул бўлган. Ўзбекистон археологларининг устози Я.Ғ. Ғуломов фаолиятининг бошланишида ҳам рус археологларининг ўрни катта бўлган. Я.Ғ.Ғуломов илк фаолиятини 1933 йилда М.Е.Массон бошчилигида уюштирилган Термиз, 1934 йилда А.Ю. Якубовский раҳбарлигида Давлат Эрмидажи ва “Узкомстарис” томонидан Зарафшон экспедицияси таркибида бошлайди.

Рус археологларидан бу илмнинг сирларини ўрганган Я.Ғуломов қадимги Хоразм ерларида сақланиб қолган кўплаб археологик ёдгорликлар, бу кўҳна ўлкани қачонлардир оби ҳаёт билан таъмин этган кўҳна суғориш тармоқларининг қуруқ ўзанлари ва атрофда сочилиб ётган турли-туман археологик топилмаларни ўрганар экан, деҳқончилик хўжалигининг асоси ҳисобланган суғориш тарихи билан жиддий шуғулланишни илмий-тадқиқотларининг ўзаги сифатида қарайди. Чунки, Ўрта Осиёнинг қадимги маданият масканларидан бири ҳисобланган Хоразмнинг ўзлаштирилиб обод этилиш тарихи, қадимги маданияти ва бу ўлка аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари билан боғлиқ бўлган қатор масалаларга аниқлик киритиш учун Хоразмнинг суғорилиш тарихини босқичма-босқич синчиклаб ўрганиш ва катта куч билан кенг қўламдаги тадқиқотларни амалга ошириш зарур эди.

Шундай қилиб, собиқ шўролар даври (1917-1991) Ўзбекистонда турли мавзу ва илмий мақсадларни ўз олдига вазифа қилиб қўйган кўплаб археологик экспедицияларнинг хизмат сафарлари уюштирилган йиллар сифатида археология фани тарихига кирди. Бунда Россиялик археологларнинг хизматлари катта бўлди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон республикаси билан дунёнинг кўплаб ривожланган давлатлари ўртасида археолог тадқиқотларни ҳамкорликда ўтказиш бўйича келушувлар имзоланган. Бунда Россиялик археологлар билан биргаликда олиб борилаётган изланишлар алоҳида аҳамиятга эга. 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг Археология институт билан Россия фанлар академияси маданият тарихи институти (Санкт-Петербург) ўртасида Аҳонгоронда полеолит даври маданият ёдгорликларини ўрганиш бўйича келишув имзоланган. Бунда ҳар икки томон топилган ёдгорликларни асраш, илмий ишлов бериш, топилмалар ҳақида илмий ахборотлар бериб боришни ўз зиммаларига олган.

1994 – 1995 йилларда Ангрэн шаҳри яқинида Кўлбулоқ кишлоғида полеолит даврига хос манзилгоҳда ўзбек-рус археологлари навбатдаги изланишларни олиб борган. Бу манзилгоҳ илгари О.М.Ростовцов, сўнг М.Р.Қосимов томонидан ҳам (1962-1985 йй) ўрганилган эди. Унда тош асри устахоналари топилган бўлиб, бу ердан тош қазиб олиб, меҳнат қуроллари ясаганлиги аниқланган эди. Россиялик археолог Н.К.Анисюткина бошчилик қилган бу экспедиция томонидан (1994-1995 йй) қазув ишлари чоғида илк полеолит даврига оид меҳнат қуроллари – чопқич, тўғнағич, пичоқ каби буюмлар ўрганилган. Манзилгоҳ одамлари ёввойи, от, хўкиз, сайғоқ, кийикларни овлашганлиги яна юр бор исботланган.

1998 йили Тошкент яқинидаги Оби-Раҳмат ғорида илмий тадқиқот ишларини ҳамкорликда олиб бориш учун Ўзбекистон Археология институти ва Россия фанлар Академияси ва Этнография институти ўртасида ахдлашувга келишилди. Бу қўшма экспедицияга Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон РФА академиги У.И.Исламов, Россия томонидан РФА академиги А.П.Деревянко бошчилик қилган[11].

2007-2011 йиллар давомида ўзаро ҳамкорликда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида нафақат илк полеолит, ўрта ва сўнгги полеолит даврига оид кўплаб маданий қатламлар очиб ўрганилди. Бунда меҳнат қуролларини такомиллаштирилиб борилиши ҳамда мезолит даври маданиятини вужудга келиши кузатилган. Россия ва Ўзбекистон тархеологларини 2011-2015 йиллар давомида Ангрэнга уюштирган экспедициялари давомида Додектам-2 ва Қизилолма каби манзилгоҳ топиб ўрганилди[12]. Археологларнинг асосий вазифаси илк полеолит даврини чуқур ўрганиб таҳлил қилиш ҳамда Кўлбулоқда ўрта полеолит даврини қайта кўриб чиқишни ўз олдидарига мақсад қилиб қўйган эдила[13].

2010-2015 йиллардаги ўзбек ва рус археологларининг биргаликдаги илмий тадқиқотлари натижасида, ибтидоий одамлар яшаш жойларини тўлиқ ташлаб кетмаганлиги, яшаш учун табиий ғор ва ярим ертўла шаклларида фойдаланганлар ва қадимги одамлар бу ерни бир неча бор ташлаб кетиб яна қайтиб келганлар, деган хулосага келдилар[14].

4. Хулосалар:

Шундай қилиб, собиқ Иттифоқ даврида олиб борилган кенг қамровли археологик тадқиқотлар натижасида ватанимиз тарихига оид илмий кашфиётлар қилинди. Айниқса, археологик қазишма ишлари, археологик экспедицияларда рус олимлари билан маҳаллий мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида ўзига хос профессионал археология мактаби шаклланди. Россия археологлари билан ҳамкорликда олиб борилган кенг кўламли тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон археологияси дунё илм-фан даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги археология соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Бундай ҳамкорлик Ўзбекистоннинг қадимий бой маданиятини янада ривожлантирибгина қолмай икки мамлакат халқларининг дўстлик ришталарини янада мустахкамлашга ўз хиссасини қўшади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Обельченко О.В. К изучению курганных погребений в Средней Азии // ИМКУ. – Тошкент: 1964, –№ 5. –С.214.
2. ЎЗР.МДА.Ф.М-7 рўйхат 11. Сақл.бир. 817. 45, 93 бетлар
3. ЎЗР.МДА.Ф.М-7, рўйхат 2, сақл.бир. 80 42-бет
4. ЎЗР.МДА.Ф.М-7, рўйхат 2, сақл.бир.80. 42-46-бетлар
5. Ҳайдаров Ҳ., Усмонов Қ., Жиззах тарихи. -Т.: 2007. –Б. 33-34.
6. Ширинов Т.Ш., Бердимуродов А.Э., Пардаев М.Ҳ.// Ўзбекистон археологияси. 2010 йил № 1. 4-10 бет
7. Обельченко О.В. К изучению курганных погребений в Средней Азии... –С.220-225.
8. Алимова Д., Асқаров А. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. 8 жилд, 488-бет.
9. Холбоев З.Т “Ўзбекистоннинг археология ёдгорликлари” ўқув услубий қўлланма. ЖДПИ, 2014 й.
10. Гуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. -Тошкент, 1959. -Б.39,48.
11. Ҳошимов Х.Б. Новые достижение Российско-узбекской экспедиции в области археологии. Личность и время. -Ташкент, 2017,308-с.
12. Личность и время: “Николай Остроумов”, Международная научная конференция. -Т., 2016. 309-310 с.
13. Деревянко А.П., Исламов У.И., Колобова К.А., Фляс Д., Кривошапкин А.И, Лашинский С.В., Крахмаль К.А., Звинц С.В., [14] Павленок К.К., Мухтаров Г.А. История материальной культуры Узбекистана. Вип.36. -Ташкент, 2008. С-88.
14. УзР. Фан ва технология Агентлигининг жорий архиви ахбороти. 8-варақ.
15. УзР. Фан ва технология Агентлигининг жорий архиви ахбороти. 8-варақ.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№12 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000